



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
БОЛАЛАР ТЕРАПЕВТИК СТОМАТОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

*«Ортодонтик даволашида болаларда пародонтал  
касалликларнинг олдини олиш ва даволаши.»*

*Илмий раҳбар: Ишанова М.К  
Магистр: Сатимов Ш.М*

## Долзарбилиги:

Кўпчилик олимлар ўзларининг текширувларида (Политун А.М.1965; Мирчук Л.Н.1980; Хамитов Н.Х. 1985 ва б.), шуни аниқлашганки, ортодонтик даво олиб борилаётганда, оғиз бўщлиғининг гигиеник ҳолати нихоятда мухимлигини ва бу гигиеник ҳолатнинг сифати ҳамда даражаси ўзаро бир-бирига боғлиқлигини эътироф этишган. Бу боғлиқлик болалар ва ўсмирлардаги тиш жағ тизими анамалиялари (20-50%) пародонт тўқимаси касалликлари билан бирга келиши ва ортодонтик даво жараёнида пародонтнинг ҳолати ҳам шунга мос равишда ўзгаришлар содир бўлиши билан изоҳлашган. Тиш-жағ тизими анамалиялари ҳам ўз навбатида пародонт тўқимаси касалликлари келиб чиқишига сабаб бўлади. Тиш-жағ тизими анамалиялари билан боғлиқ бўлган пародонт тўқимаси касалликларини бартараф қилиш вақтида оғиз бўщлиғининг гигиеник ҳолати билан биргаликда умумий индивидуал гигиена билан ҳам шуғулланиш аҳамияти катта

Бизнинг асосий bemорларимиз болалар ва ўсмирлар бўлганлиги учун, уларнинг индивидуал гигиенасини ота-оналари назорат қилишлари лозим. Умумий жараённи врач ортодонт назоратга олади. Оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолати ёмонлашуви тишнинг бўйин қисми, аппаратнинг таркибий қисмлари атрофида карашлар йиғилиши натижасида кариес касалликлари келиб чиқади.

Тиш-жағ тизимидағи анамалиялар чайнов тизимида ҳам функционал сифатнинг камайишига олиб келади, шу билан бирга, бунга яна гигиеник ҳолат ҳам ёмонлашса, пародонт касалликлари келиб чиқишига замин яратади. Ортодонтик даво пайтида оғиз бўшлиғи гигиенаси пасайиши, қон айланишининг бузилиши, пародонт тўқимасига тушаётган юкламалар ҳисобига асоратлар (гингивит, пародонтит) келиб чиқади. Бу муоммоларни ҳал қилиш учун bemорларга маҳсус профилактик тадбирлар тавсия қилинади. Аммо бу тадбирлар ёрдамида бизга керакли натижаларга эришиш қийин. Шу мақсадда яллиғланишга қарши, микробларга, замбуруғларга ва вирусларга қарши таъсир қилувчи, оғриқсизлантирувчи-комплекс таъсирга эга бўлган препарат Холисал гелни амалиётда қўллаш вақтида пародонт тўқимасига қандай таъсир қилиши ўрганиб чиқилди.



## **Илмий тадкикот ишининг мақсади:**

Ортодонтик мосламалар кўлланилаётган болаларда парадонт тўқимасида яллигланиш жарайонларини даволаш усулларини такомиллаштириш.

# Илмий тадқиқот иши вазифалари:

1.

Ортодонтик мосламалар қўлланилаётган болаларда оғиз бўшлиғи биоплийнкасининг таркибини ўзгаришини баҳолаш;

2.

Оғиз бўшлигининг гигиеник ҳолатини динамикасини ўрганиш олинмайдиган ортодонтик мосламалар маҳкамлаш;

3.

Урганилаётган препаратнинг патоген микрофлорага таъсирини баҳолаш.